

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

8-сон  
(1132)  
2024 йил  
февраль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

63. «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 20 февралдаги ЎРҚ-910-сон Қонуни
64. ««Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 февралдаги ЎРҚ-911-сон Қонуни

### Иккинчи бўлим

65. ««Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-куватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги ПФ-37-сон Фармони

66. «Қонунларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини ҳамда норма ижодкорлиги жараёни сифатини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 февралдаги ПҚ-75-сон қарори
67. «Республикада мис хом ашёсини чуқур қайта ишлашни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 февралдаги ПҚ-77-сон қарори
68. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш механизмиларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 февралдаги ПҚ-85-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

69. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил 10 январдаги 1-сон «Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини юқтириб олган шахслар ишлаши ман этилган касбий фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3497*)
70. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 26 январдаги 42/16-сон «Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг қарз юкини тартибга солиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3205-3*)
71. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил 5 февралдаги 4-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари беришда шифокорларнинг мутахассислик бўйича иш стажини ҳисоблаб чиқаришда ўзаро ҳисобга олинадиган турдош мутахассислар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3498*)
72. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил 5 февралдаги 5-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-9*)

73. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2024 йил 20 февралдаги 2-мҳ-сон «Давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлигининг айrim идоравий норматив-хуқуқий хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»-ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 23 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3499*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОNUНИ

**63**

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-  
га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил  
5 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 20 декабрда  
маъқулланган

Кейинги ўилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг тўсқин-  
ликсиз амалга оширилишини таъминлашга, бизнес юритиш учун қулай  
шарт-шароитлар яратишга ва республиканинг инвестициявий жозибадорли-  
гини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга тадбиркорлик субъектлари хукуқларининг суд орқали  
ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича мавжуд чекловларни олиб ташлаш  
ҳамда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишдаги айрим мажбурий тала-  
бларни қисқартириш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига со-  
лик органларининг сайёр солик текширувлари ва солик аудити натижалари  
бўйича қабул қилинган қарорлари устидан тадбиркорларнинг тўғридан-тўғри  
судга шикоят қилишига доир чекловларни бекор қилишни ҳамда судга ши-  
коят қилиш имкониятларини кенгайтиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар  
киритилмоқда.

Шунингдек «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги, «Масъулияти чеклан-  
ган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги ва «Акциядорлик  
жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги  
Ўзбекистон Республикаси Қонунларига тадбиркорлик субъектининг устав  
фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган-  
да кредиторларни ёзма равишда хабардор қилиш ва оммавий ахборот воси-  
таларида бу ҳақда эълон бериш талаби бекор қилинишини назарда тутувчи  
ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектлари хукуқла-  
рининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлашга ҳамда уларнинг зимма-  
сига ортиқча харажатлар ва мажбуриятлар юклатадиган айрим бюрократик  
тартиб-таомиллар бекор қилинишига хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул  
қилинган ЎРҚ-599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбе-**

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 21 февралда эълон қилинган.

**кистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсун:

1) **159-модданинг олтинчи қисмидаги** «юқори турувчи солиқ органига» деган сўзлар «юқори турувчи солиқ органига ёки судга» деган сўзлар билан алмаштирилсун;

2) **166-модданинг тўртинчи қисмидаги** «юқори турувчи солиқ органига» деган сўзлар «юқори турувчи солиқ органига ёки судга» деган сўзлар билан алмаштирилсун;

3) **231-модданинг:**

**биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсун:

«Солиқ органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи солиқ органига ёки судга шикоят қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади»;

**иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсун:

«Шахснинг солиқ органига ёки судга солиқ органининг кучга кирган ва кучга кирмаган, норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳужжатлари, унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинган мурожаати, агар ушбу шахснинг фикрига кўра мазкур ҳужжатлар, ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик унинг хуқуқларини бузса, шикоят деб эътироф этилади»;

**тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари** чиқариб ташлансан;

**еттинчи — ўн биринчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи — саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансан;

**тўртинчи қисмидаги** «шикоят қилиниши мумкин» деган сўзлар «ҳам шикоят қилиниши мумкин» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

**олтинчи, еттинчи ва саккизинчи қисмлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Юқори турувчи солиқ органига шикоят берган шахс шикоят бўйича қарор қабул қилинишига қадар уни кўриб чиқаётган солиқ органига ёзма ариза юбориш йўли билан шикоятни тўлиқ ёки қисман чақириб олиши мумкин.

Юқори турувчи солиқ органидан шикоятни чақириб олиш уни берган шахсни ўша асосларда шикоят билан такроран мурожаат қилиш хуқуқидан маҳрум этади.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ органларининг ҳужжатлари (шу жумладан норматив ҳужжатлари), улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан суд тартибда шикоят қилиш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

4) **232-модданинг номидаги «шикоят бериш тартиби ва муддат-**

**лари»** деган сўзлар «юқори турувчи солик органига шикоят бериш тартиби ва муддатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **233-модданинг номи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«233-модда. Юқори турувчи солик органига бериладиган шикоятнинг шакли ва мазмуни»;**

6) **234-модданинг номи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«234-модда. Юқори турувчи солик органи томонидан шикоятни кўрмасдан қолдириш»;**

7) **235-модданинг номидаги «Юқори турувчи орган»** деган сўзлар «Юқори турувчи солик органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги 308-II-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 7, 325-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 880, 891-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова) **14-моддасининг тўққизинчи ва ўнинчи қисмлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ширкат кредиторлари ширкатнинг устав фонди (устав капитали) камайтирилганлигидан хабар топган санадан эътиборан ўттиз кун ичida ширкатдан ширкатнинг тегишли мажбуриятлари муддатидан илгари тугатишини ёки ижро этишини ҳамда ўзлари кўрган заарнинг ўрнини қоплашни ёзма равища талаб қилишга ҳақлидирлар.

Ширкатнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш билан боғлиқ таъсис шартномасидаги ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш конунчиликка мувофиқ амалга оширилади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги 310-II-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 7, 449-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 217-модда, № 4, 340-модда; 2023 йил, № 1, 1, 2-моддалар) **19-моддасининг олтинчи ва еттинчи қисмлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамият кредиторлари жамиятнинг устав фонди (устав капиталини) камайтирилганлигидан хабар топган санадан эътиборан ўттиз кун ичida жамиятдан жамиятнинг тегишли мажбуриятлари муддатидан илгари тугатили-

шини ёки ижро этишини ҳамда ўзлари кўрган заарнинг ўрнини қоплашини ёзма равишда талаб қилишга ҳақлидирлар.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш билан боғлиқ таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 223—I-сонли Қонуннинг (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 880, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 3, 216, 217-моддалар; 2023 йил, № 1, 1-модда) **20-моддаси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«20-модда. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) миқдори камайтирилганда кредиторларнинг хукуқлари**

Жамият кредиторлари жамиятнинг устав фонди (устав капитали) камайтирилганлигидан хабар топган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитали) камайтирилиши билан боғлиқ заарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиурсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

**7-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 20 февраль,  
ЎРҚ-910-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОNUНИ

# **64 «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил  
10 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 20 декабря  
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш, уларнинг манфаатларини химоя қилиш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида тўловга қобилиятсизлик ҳолатига тушиб қолган тадбиркорлик субъектларининг тўлов қобилиятыни тиклаш тартиб-таомилларини қўллаш орқали уларни молиявий жихатдан соғломлаштириш амалиёти кенг жорий этилмоқда. Бундан ташқари жисмоний шахсларни тўловга қобилиятсиз деб топиш асослари ва бунинг оқибатлари қонунчилик даражасида белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши унинг қоидалари бир хил қўлланилиши учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини унга мувофиқлаштириш заруратини келтириб чиқарди.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва кодексларига жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг тўловга қобилиятсизлиги аломатлари, шунингдек тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликка тортиш асослари аниқлаштирилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур Қонун «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси самарали ташкил этилишини таъминлашга, унинг ҳуқуқий қоидаларини қўллашда турлича талқинлар ва қарама-қаршиликлар бартараф этилишига хизмат қиласи.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил,

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллый базаси»да 2024 йил 22 февралда эълон қилинган.

№ 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **66<sup>1</sup>-модданинг биринчи қисмидаги «180-моддасида (соҳта банкотлик), 181-моддасида (банкротликни яшириш)» деган сўзлар «180-моддасида (соҳта тўловга қобилиятсизлик), 181-моддасида (тўловга қобилиятсизликни яшириш)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

2) **180-модда номи ва биринчи қисмининг диспозицияси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

### **«180-модда. Соҳта тўловга қобилиятсизлик**

Соҳта тўловга қобилиятсизлик, яъни юридик ёки жисмоний шахснинг ёхуд якка тартибдаги тадбиркорнинг кредиторлар олдидаги пул мажбуриятларини ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олиши ҳақида била туриб, уларни тўлиқ ҳажмда бажара олмаслиги тўғрисида эълон бериши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса»;

3) **181-модда номи ва биринчи қисмининг диспозицияси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

### **«181-модда. Тўловга қобилиятсизликни яшириш**

Юридик ёки жисмоний шахснинг ёхуд якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерлик ҳисоботларини бузиб кўрсатиш ёки бошқача тарзда ўзининг

тўловга қобилиятсизлигини қасдан яшириш йўли билан кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса»;

**4) 181<sup>1</sup>-модда номи ва биринчи қисмининг диспозицияси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«181<sup>1</sup>-модда. Қасдан тўловга қобилиятсизликка олиб келиш**

Юридик шахснинг мансабдор шахси, муассиси (иштирокчиси) ёхуд мол-мулкининг мулкдори ёки жисмоний шахс ёхуд якка тартибдаги тадбиркор томонидан шахсий манфаатларини ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилган қасдан тўловга қобилиятсизликка олиб келиш, яъни тўловга қобилиятсизликни қасдан юзага келтириш ёки кўпайтириш, ушбу юридик шахснинг ёки жисмоний шахснинг ёхуд якка тартибдаги тадбиркорнинг тўловга қобилиятсизлигига олиб келса, кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар,

№ 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда) қуидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **179<sup>5</sup>-модда** қуидаги таҳрирда баён этилсин:

#### **«179<sup>5</sup>-модда. Қасдан тўловга қобилиятсизликка олиб келиш**

Юридик шахснинг мансабдор шахси, муассиси (иштирокчиси) ёки мол-мулкининг мулкдори ёки жисмоний шахс ёхуд якка тартибдаги тадбиркор томонидан шахсий манфаатларини ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилган қасдан тўловга қобилиятсизликка олиб келиш, яъни тўловга қобилиятсизликни қасдан юзага келтириш ёки кўпайтириш, ушбу якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки юридик ёхуд жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлигига олиб келса, кредиторларга зарар етказилишига сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **215<sup>1</sup>-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги «банкротлик»** деган сўз «тўловга қобилиятсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163—I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256—I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-модда;

далар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда, № 11, 1062-модда) қўйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **26-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«26-модда. Якка тартибдаги тадбиркорнинг ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги**

Якка тартибдаги тадбиркор кредиторларнинг пул мажбуриятлари бўйича талабарини тўла ҳажмда қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йифимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаса, суд томонидан тўловга қобилиятсиз деб топилиши мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс кредиторларнинг пул мажбуриятлари бўйича талабарини тўла ҳажмда қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йифимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаса, агар тегишли талаблар унинг илгариги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиққан бўлса, белгиланган тартибда суд томонидан тўловга қобилиятсиз деб топилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида кўрсатилган шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тартиб-таомилларини амалга оширишда унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлари бўйича кредиторлари ҳам ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, алиментларни ундириш ҳақидаги ўз талабарини, шунингдек шахсий хусусиятга эга бўлган бошқа талабларни қўйишга ҳақли. Мазкур кредиторларнинг улар томонидан шундай тартибда қўйилмаган талаблари тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомили тугалланганидан кейин ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида кўрсатилган шахс банкрот деб топилган тақдирда, унинг кредиторларининг талаблари ушбу Кодекснинг 56-моддасида назарда тутилган тартибда қаноатлантирилади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида кўрсатилган шахснинг суд томонидан банкрот деб топишнинг ёки унинг ўзини банкрот деб эълон қилишининг асослари, тартиби ва оқибатлари қонунда белгиланади»;

2) қўйидаги мазмундаги **26<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«26<sup>1</sup>-модда. Жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги**

Жисмоний шахс пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабарини тўла ҳажмда қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йифимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаса, суд томонидан тўловга қобилиятсиз деб топилиши мумкин.

Жисмоний шахсни тўловга қобилиятсиз деб топишнинг асослари, тартиби ва оқибатлари қонунда белгиланади»;

**3) 48-модданинг:**

**учинчи ва тўртинчи қисмлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахснинг муассиси (иштирокчиси) ёки унинг мол-мулкининг мулкдори ёхуд юридик шахснинг бошқарув органи таркибига кирувчи шахс, шунингдек қарздорнинг ишларини бошқарувчи шахс юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, юридик шахс эса муассиснинг (иштирокчининг) ёки мулкдорнинг ёхуд юридик шахснинг бошқарув органи таркибига кирувчи шахснинг ёки қарздорнинг ишларини бошқарувчи шахснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, бундан ушбу Кодексда ёки юридик шахснинг таъсис хужжатларида назарда тутилган холлар мустасно.

Агар юридик шахснинг тўловга қобилиятсизлиги шу юридик шахс учун мажбурий кўрсатмаларни бериш хуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки мулкдорининг ёхуд юридик шахснинг бошқарув органи таркибига кирувчи шахснинг ёки қарздорнинг ишларини бошқарувчи шахснинг ғайриқонуний харакатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса, юридик шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига қонунга мувофиқ унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин»;

**олтинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахс учун мажбурий кўрсатмалар бериш хуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) ёки мулкдор ёхуд юридик шахснинг бошқарув органи таркибига кирувчи шахс ёки қарздорнинг ишларини бошқарувчи шахс юридик шахснинг муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида тўловга қобилиятсиз бўлиб қолишини олдиндан билиб, ўз хуқуқидан унинг шундай ҳаракатни амалга оширишини кўзлаб фойдаланган холдагина юридик шахснинг тўловга қобилиятсизлиги улар томонидан вужудга келтирилган деб хисобланади»;

**4) 57-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«57-модда. Юридик шахснинг тўловга қобилиятсизлиги**

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс, шунингдек матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахс пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини тўла ҳажмида қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаса, суд томонидан тўловга қобилиятсиз деб топилиши мумкин.

Юридик шахсни тўловга қобилиятсиз деб топишнинг асослари, тартиби ва оқибатлари қонунда белгиланади»;

**5) 63-модданинг биринчи қисмидаги** «ночор (банкрот)» деган сўзлар «тўловга қобилиятсиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**6) 67-модданинг бешинчи қисмидаги** «ночор (банкрот)» деган сўзлар «тўловга қобилиятсиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **113-модданинг биринчи қисмидаги** «Кодексда» деган сўз «Кодексда ва бошқа қонунларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **507-модданинг тўртинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Манфаатдор шахснинг талабига биноан суд якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки юридик ва жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонунчилик қоидаларини бузиб, тўловга қобилиятсизлик ҳақида иш қўзғатилишидан олдинги бир йил ичидаги ўзининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ маблағлар ҳисобидан қилган ҳадясини бекор қилиши мумкин»;

9) **838-модданинг учинчи қисмидаги** «ночор (банкрот)» деган сўзлар «тўловга қобилиятсиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **855-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бошқарув муассисининг қарзлари бўйича ундирувни у ишончли бошқарувга топширган мол-мулкка қаратишга йўл қўйилмайди, бундан ушбу шахс банкрот деб топилган ҳоллар мустасно. Бошқарув муассиси банкрот деб топилганда ушбу мол-мулкни ишончли бошқариш бекор қилинади ва у тугатиш массасига қўшиб юборилади»;

11) **861-модда биринчи қисмининг:**

**тўртинчи хатбоҳисидаги** «ночор (банкрот)» деган сўзлар «тўловга қобилиятсиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи хатбоҳисидаги** «ночор (банкрот)» деган сўзлар «тўловга қобилиятсиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»**ги 216-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ-580-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 788-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 4, 267-модда) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **39-модда биринчи қисмининг учинчи хатбоҳиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тўловга қобилиятсиз бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида тўловга қобилиятсизлик аломатлари юзага келганда»;

2) **64-модданинг матнидаги** «банкротлиги» деган сўз «тўловга қобилиятсизлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 221-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси нинг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 59-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 183-модда; 2010 йил, № 10, 380-модда; 2013 йил,

№ 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 12, 891-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 1, 4-модда; 2023 йил, № 2, 106-модда) **28-моддасининг биринчи қисмидаги «банкрот»** деган сўз «тўловга қобилиятсиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқлари-ни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 223—I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 880, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 3, 216, 217-моддалар; 2023 йил, № 1, 1-модда) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **4-модданинг:**

**бешинчи қисмидаги «банкротлиги»** деган сўз «тўловга қобилиятсизлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида тўловга қобилиятсиз бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина жамиятнинг тўловга қобилиятсизлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади»;

2) **38-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «банкротлик»** деган сўз «тўловга қобилиятсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **54-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «банкротлик»** деган сўз «тўловга қобилиятсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Адвокатура тўғрисида»ги 349—I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2008 йил, № 12, 641-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2018 йил, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 5, 267-модда, № 9, 591-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 8, 631-модда) **3-моддасининг учинчи қисми** қўйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«суд бошқарувчиси сифатидаги фаолият (фукаролик ва иқтисодий суд

ишларини юритишни амалга ошириш бўйича адвокатлик фаолияти учун лицензия олган адвокатлар учун)».

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида**»ги 535—I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 1998 йил, № 1, 4-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

- 1) **1-модданинг биринчи қисмидаги** «банкротлиги» деган сўз «тўловга қобилиятсизлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 2) **15-модданинг учинчи қисмидаги** «банкротлик» деган сўз «тўловга қобилиятсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида**»ги 600—I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 84-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 577-модда) **26-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «банкротлиги» деган сўз «тўловга қобилиятсизлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида**»ги 670—I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 170-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 5-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда; 2020 йил, № 3, 198-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 8, 787-модда) **35-моддасининг матнидаги** «банкротликка» деган сўз «тўловга қобилиятсизликка» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида**»ги 258-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12,

336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 7, 389-модда, № 8, 469-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар; 2022 йил, № 4, 337-модда, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда) қуидаги ўзгартиришлар киритилсін:

1) **34-модда иккінчи қисмининг 2-банды** қуидаги таҳрирда баён этилсін:

«2) қарздорнинг тўловгага қобилиятсизлиги тўғрисидаги иш бўйича иқтисодий суд томонидан иш юритиш қўзғатилганда, шу жумладан кузатувни жорий этиш, суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ва (ёки) уларнинг муддатини узайтириш хақида иқтисодий суд томонидан ажрим қабул қилинганда, бундан ижро этилиши «Тўловгага қобилиятсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тўхтатиб турилиши мумкин бўлмаган ижро хужжатлари мустасно»;

2) **36-модда биринчі қисмининг 2-банды** қуидаги таҳрирда баён этилсін:

«2) қарздорнинг тўловгага қобилиятсизлиги тўғрисидаги иш бўйича иқтисодий суд томонидан иш юритиш қўзғатилганда, кузатувни жорий этиш, суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ва (ёки) уларнинг муддатини узайтириш хақида иқтисодий суд томонидан ажрим қабул қилинганда — қарздорнинг тўловгага қобилиятсизлиги тўғрисидаги иш бўйича қарор қабул қилингунига қадар»;

3) **48<sup>5</sup>-модда тўққизинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги «банкротлик таомили» деган сўзлар** «тўловгага қобилиятсизлик тартиб-таомили» деган сўзлар билан алмаштирилсін;

4) **61-модданинг иккінчи қисмидаги «ночорлиги (банкротлиги)» деган сўзлар** «тўловгага қобилиятсизлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсін.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «**Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида**»ги 310-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 7, 449-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 217-модда, № 4, 340-модда; 2023 йил, № 1, 1, 2-моддалар) қуидаги ўзгартиришлар киритилсін:

1) **4-модданинг учинчи қисмидаги «банкрот» деган сўз «тўловгага қобилиятсиз» деган сўзлар билан алмаштирилсін;**

2) **5-модданинг ўн биринчі қисмидаги «банкротлиги» деган сўз «тўловгага қобилиятсизлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсін;**

3) **26-модда:**

**биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги «банкротлик» деган сўз «тўловга қобилиятысизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

**иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «банкротлик» деган сўз «тўловга қобилиятысизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.**

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурта қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-155-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 191-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 4, 99-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 803-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда) қўйидаги ўзгаришилар киритилсин:

1) **25-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «банкротлик» деган сўз «тўловга қобилиятысизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

2) **26-модданинг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Суфурталовчига нисбатан тўловга қобилиятысизлик тартиб-таомили қўлланилганлиги оқибатида суфурталовчи томонидан суфурта товонини тўлаш имкони бўлмаган тақдирда суфурталовчи суфурта ходисаси со-дир бўлганлиги тўғрисидаги далолатномани ва суфурталовчига нисбатан тўловга қобилиятысизлик тартиб-таомили қўлланилганлигини тасдиқловчи хужжатларни илова қилган ҳолда Тўловларни кафолатлаш жамғармасига жабрланувчиларга (уларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) компенсация тўловларини амалга ошириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қиласи».

**14-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «Кимматли қофозлар бозори тўғрисида»ги ЎРҚ-163-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ-387-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 3, 166-модда, № 4, 199-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 10, 968, 973-моддалар; 2022 йил, № 3, 217-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда) **44-моддаси бешинчи қисмининг ўн саккизинчи хатбошисидаги «банкротлик» деган сўз «тўловга қобилиятысизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.**

**15-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелда қабул қилинган «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурта қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-210-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 4, 137-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил,

4-сонга илова; 2022 йил, № 5, 464-модда) **23-моддасининг учинчи хатбошисидаги** «банкротлик таомили» деган сўзлар «тўловга қобилиятызлик тартиб-таомили» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**16-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 сентябрда қабул қилинган «**Тижорат сири тўғрисида**»ги ЎРҚ-374-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 245-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **17-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «банкротлиги» деган сўз «тўловга қобилиятызлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**17-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ-400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 670-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 589-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 969-модда; 2022 йил, № 2, 75-модда, № 7, 666-модда, № 12, 1190-модда) **352<sup>1</sup>-моддасига** қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**биринчи қисмдаги** «банкрот» деган сўз «тўловга қобилиятыз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг 3-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) жисмоний шахс вафот этганда ёки жисмоний шахс вафот этган деб эълон қилинганда ёхуд жисмоний шахс банкрот деб топилганда — унинг божхона тўловларини тўлаш бўйича қарзининг ўз мол-мулки етарли эмаслиги сабабли, шу жумладан мерос давлат мулкига ўтган тақдирда узилмай қолган қисми бўйича».

**18-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ-461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 10-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 463-модда, № 6, 577-модда, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **25-модда биринчи қисмининг 3-бандидаги** «банкротлик» деган сўз «тўловга қобилиятызлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **27-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«27-модда. Тўловга қобилиятызлик тўғрисидаги ишлар**

Тўловга қобилиятызлик тўғрисидаги ишлар жумласига юридик ёки

жисмоний шахсларни ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва қонунда белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркор мақомини олган фуқароларни, пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ва йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаган, якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсларни, агар пул мажбуриятлари ва солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича мажбуриятлар уларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиқсан бўлса, тўловга қобилиятызлих ҳақида иш қўзғатиш тўғрисидаги ишлар киради»;

3) **36-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«36-модда. Тўловга қобилиятызлих тўғрисидаги ишларнинг судловга тегишлилиги**

Юридик шахсларнинг тўловга қобилиятызлиги тўғрисидаги ишлар қарздор давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судда, шунингдек қарздор жисмоний шахснинг ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркорнинг яшаш жойидаги судда кўрилади»;

4) **107-модданинг 9-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9) жавобгарга нисбатан тўловга қобилиятызлих тўғрисида иш қўзғатилган бўлса ва жавобгарга нисбатан тақдим этилган талаб қонунга кўра тўловга қобилиятызлих тўғрисидаги иш доирасида кўрилиши лозим бўлса»;

5) **25-боб** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«25-боб. Тўловга қобилиятызлих тўғрисидаги ишларни юритиш**

**210-модда. Тўловга қобилиятызлих тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши тартиби**

Юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорларнинг тўловга қобилиятызлиги тўғрисидаги ишлар ушбу Кодексда назарда тутилган қоидалар бўйича, «Тўловга қобилиятызлих тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган ўзига хос хусусиятлар эътиборга олинган ҳолда суд томонидан кўриб чиқилади.

**211-модда. Тўловга қобилиятызлих ҳақида иш қўзғатиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқи**

Тўловга қобилиятызлих соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунга мувофиқ қарздор, кредиторлар ва бошқа манфаатдор шахслар тўловга қобилиятызлих ҳақида иш қўзғатиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Аризага тўловга қобилиятызлих соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунда назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинади».

**19-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда қабул қилинган «**Давлат-хусусий шериклик тўғрисида**»ги ЎРҚ-537-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 262-модда; 2021 йил, № 1, 16-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 7, 533-модда) **23-моддасининг учинчи қисмидаги** «банкротлик» деган сўз «тўловга қобилиятысизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсан.

**20-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ-598-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 892-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда, № 12, 1190-модда) қуидаги ўзгартиришлар киритилсан:

1) **17-модданинг иккинчи қисмидаги** «тўловга лаёқатсиз ва банкрот» деган сўзлар «тўловга қобилиятысиз» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

2) **19-модда учинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «тўловга лаёқатсиз ва банкрот» деган сўзлар «тўловга қобилиятысиз» деган сўзлар билан алмаштирилсан.

**21-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда) қуидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан:

1) **60-модданинг ўнинчи хатбошисидаги** «банкротлик» деган сўз «қарздорнинг банкрот деб топилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **62-модда бешинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «банкротлик (иқтисодий начорлик)» деган сўзлар «тўловга қобилиятысизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

3) **68-модда биринчи қисмининг 6-бандидаги** «ночорлик (банкротлик)» деган сўзлар «тўловга қобилиятысизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

4) **96-модда биринчи қисмининг 2-банди** «якка тартибдаги тадбиркор» деган сўзлардан кейин «ёки жисмоний шахс» деган сўзлар билан тўлдирилсан;

5) **97-модда:**

куидаги мазмундаги **ўн учинчи қисм** билан тўлдирилсан:

«Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича суд санацияси ёки ташқи бошқарув жараёнида юзага келадиган барча турдаги жорий солик тўловларини (бундан меҳнат шартномалари (контрактлари) ва фуқаро-лик-хуқуқий хусусиятдаги шартномалар бўйича олинган даромадлар солиғи, шунингдек ижтимоий солик мустасно) тўлаш, суд ажрими асосида жорий этилган суд санацияси ёки ташқи бошқарув тартиб-таомилининг муддатида тўхтатиб турилади. Бу холда суд санация қилувчи бошқарувчининг ёки ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаган ва тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш юритишни тугатиш ҳақида ажрим чиқарган санадан эътиборан мазкур солик қарзлари олти ой ичидаги тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлана-ди»;

**ўн учинчи қисми ўн тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

6) **98-модда биринчи қисмининг 4-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) шахс банкрот деб топилган бўлса»;

7) **100-модданинг иккинчи қисми:**

**3-бандидаги** «ночорлиги (банкротлиги)» деган сўзлар «тўловга қобилиятсизлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги **7-банд** билан тўлдирилсин:

«7) ушбу Кодекс 97-моддасининг ўн учинчи қисмидаги назарда тутилган тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича суд санацияси ёки ташқи бошқарув тартиб-таомили жорий этилган бўлса»;

8) **304-модда** қўйидаги мазмундаги **22-банд** билан тўлдирилсин:

«22) банкрот деб топилган қарздор юридик ва жисмоний шахсларнинг ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг мол-мулкини сотишдан тушган маблағларининг қарзни тўлашга йўналтирилган қисми»;

9) **313-модданинг биринчи қисмидаги** «банкротлик» деган сўз «қарздорнинг банкрот деб топилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**22-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги ЎРҚ-600-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда) қўйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **5-модданинг 2-бандидаги** «ташкилотларни ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги» деган сўзлар «тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **19-модда** қўйидаги мазмундаги **йигирма тўққизинчи ва ўттизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Суд бошқарувчиси тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш жараё-

нида ўз ҳуқук ва мажбуриятларини амалга ошириши учун даъво аризалар ҳамда бошқа аризалар билан давлат божини тўламасдан судга мурожаат қилади.

Давлат божи «Тўловга қобилиятысизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 59-моддасида белгиланган тартибда суд бошқарувчиси томонидан тўланади»;

**3) илованинг 2-банди «в» кичик бандидаги** «ташкилотлар ва фуқароларни банкрот деб топиш» деган сўзлар «тўловга қобилиятысизлик ҳақида иш қўзғатиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**23-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган **«Аҳоли бандлиги тўғрисида»**ги ЎРҚ-642-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 595-модда; 2021 йил, № 4, 287-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда, 10-сонга илова)

**50-моддасига** қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**номидаги «банкрот бўлганлиги»** деган сўзлар **«банкрот деб топилганлиги»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмдаги** «ночор (банкрот)» деган сўзлар «банкрот» деган сўз билан алмаштирилсин.

**24-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелда қабул қилинган **«Давлат харидлари тўғрисида»**ги ЎРҚ-684-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 289-модда) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **36-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «банкротлик» деган сўз «тўловга қобилиятысизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **42-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «банкротлик» деган сўз «тўловга қобилиятысизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**25-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 октябрда қабул қилинган ЎРҚ-798-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, 10-сонга илова; 2023 йил, № 4, 265-модда) 100-моддасининг олтинчи қисмидаги «(банкрот)» деган сўз чиқарив ташлансин.

**26-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**27-модда.** Ушбу Конун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 21 февраль,  
ЎРҚ-911-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**65 «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни  
қўллаб-куватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат  
дастури тўғрисида\***

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган кенг кўламли ислоҳотларни 2024 йилда самарали амалга ошириш, халқимизнинг кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича тизимли ҳаракатларни изчил давом эттириш, «яшил иқтисодиёт» тамойилларига асосланган юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, экологик ҳолатни яхшилаш, сув ва бошқа табиий ресурслардан унумли фойдаланиш стандартларини кенг жорий қилиш ҳамда халқ манфаатларига ўналтирилган бошқарув тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. 2024 йил 1 марта бошлаб алоҳида ишлаш талаб этиладиган, шунингдек, истеъододли ва иқтидорли ёшлар Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси қарори билан «Ёшлар баланси» асосида вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотлар ҳамда олий таълим ташкилотлари раҳбарларига бириклилсан. Бунда мазкур раҳбарлар:

ҳар ойда камида бир маротаба ўзларига бириклилган ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва салоҳиятини юзага чиқариш, уларни талаб юқори бўлган касб-хунарга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиши, шунингдек, хуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга ҳар томонлама кўмаклашиб борсин;

ўзларига бириклилган ёшлар муаммоларини ҳал қилиш ва салоҳиятини юзага чиқариш учун тегишли ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан зарур маблағларни Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартиб асосида ўналтиришга рухсат этилсан.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси, Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев) ҳамда ёшлар бириклилган вазирлик ва идоралар белгилансин.

2. Ёшларнинг салоҳияти, истеъододи ва ташаббусларини тўлақонли рўёбга чиқариш мақсадида «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида:

2024 йил 1 марта бошлаб маҳалла, таълим муассасалари, корхона ва

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 23 февралда эълон қилинган.

ташкилотлар тизимида мукофот жамғармаси 600 миллион сўм миқдорида хорижий тиллар («Ибрат фарзандлари») бўйича танловлар, киберспорт мусобақалари ва «Заковат» интеллектуал ўйинлари юқори савияда ташкил этилсин;

Ёшлар ишлари агентлиги ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан касблар танловида ғолиб бўлган ёшларни ўз ҳудудларида жиҳозланган устахоналар билан «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари хисобидан таъминлаш амалиёти йўлга қўйилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев) белгилансин.

3. Ёшлар ишлари агентлиги, Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг экология, соғлом турмушни тарғиб қилиш каби ижтимоий аҳамиятга молик 100 та волонтёрлик лойиҳалари бўйича биринчи босқичда базавий хисоблаш миқдорининг 200 бараваригача маблағни танлов асосида ажратиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Ёшлар ўртасида тадбиркорликни кенг оммалаштириш ва бизнес билан шуғуланишга қўшимча имкониятларни яратиш мақсадида:

а) оиласи тадбиркорлик дастури доирасида ажратилаётган кредитларнинг камидаги 40 фоизи ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилсин;

б) 2024 йил 1 июндан бошлаб қўйидагиларни назарда тутувчи «Ёш тадбиркор» танловларини ўtkазиш амалиёти йўлга қўйилсин:

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан танлов асосида «маҳалла — туман — вилоят — Республика» босқичларида ёшларнинг истиқболли бизнес лойиҳа ва фоялари сараланади. Бунда, ногиронлиги бўлган ёш тадбиркорларнинг лойиҳа ва фояларига алоҳида эътибор қаратилади;

республика босқичида саралашдан ўтган хар бир лойиҳага базавий хисоблаш миқдорининг 1 000 бараваригача миқдордаги имтиёзли кредитлар ажратилади;

ғолиб бўлган бизнес лойиҳа ва фоялар эгалари Ёш тадбиркорларни қўллаб-кувватлаш жамғармаси хисобидан хорижий давлатларга малака оширишга юборилади.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев), Савдо-саноат палатаси (Д. Вахабов) ва Ўзбекистон ногиронлар уюшмаси белгилансин.

5. 2024 йил 1 марта бошлаб «Ҳар бир маҳалладан икки нафар дастурчи» дастури жорий этилсин.

Бунда, ушбу дастур доирасида:

маҳаллаларда ёшлар етакчилари томонидан маҳалла фаоллари иштирокида ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасига қизиқувчи ёшлар аниқланиб, уларни инглиз ва бошқа хорижий тилларга ўқитиш ҳамда сертификатлар олишини ташкил этиш, сертификат олган ёшлар тўғрисида маълумотларни Рақамли технологиялар вазирлигининг маҳсус ахборот тизимида киритиб бориш амалиёти жорий қилиниши;

Рақамли технологиялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан махсус ахборот тизимиға киритилган ёшларни ИТ соҳасида фаолият юритаётган ташкилотларга йўналтириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш чоралари кўрилиши белгилансин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Ўзбекистон махаллалари уюшмаси (К. Куранбаев), Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари белгилансин.

6. 2024 йил 1 марта бошлаб:

«Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағларини ёшларни чет тиллари ва касб-ҳунарга ўқитиш мақсадларига йўналтириш амалиёти йўлга қўйилсин;

ёшларни замонавий касбларга ўқитиш бўйича «Устоз» махсус платформаси ишга туширилсин ва дастлабки босқичда мазкур платформа орқали 250 минг нафар ёшлар қамраб олиниши таъминлансан;

ёш хотин-қизларни тадбиркорлик, маркетинг, график-дизайн каби замонавий касбларга ўргатиш учун «Қизлар академияси» платформаси ишга туширилсин ва бу орқали ёш хотин-қизлар учун турли танлов, лойиҳалар, ўкув оромгоҳлари, стажировкалар ташкил этилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Мусаев), Оила ва хотин-қизлар қўмитаси (О. Парпибоева) ва Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев) белгилансин.

7. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омили сифатида бизнес учун янада қулай шароитларни яратиш мақсадида «Бизнесни қўллаб-қувватлаш дастури» доирасида 2024 йил якунига қадар:

комплекс қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш орқали 2 миллион ахолини бизнесга жалб қилиш;

янги иш ўринларини яратиш орқали 5 миллион ахолининг бандлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратилсан.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб Бош вазир ўринбосари — Ж. Қўчқоров белгилансин.

8. 2024 йил 1 июлдан бошлаб нуфузли халқаро брендлар билан ишлаб чиқаришни бошлаётган корхоналарга:

халқаро стандартларни жорий этиш ва экологик сертификатлаш харатларини қоплаб бериш тартиби жорий қилинсан;

уч йил давомида нуфузли халқаро брендлар остида ишлаб чиқариладиган махсулотлар учун зарур бўлган барча хомашёлар маҳаллийлаштириш даражасини камида 60 фоизга етказиш шарти билан божхона божидан озод этилсан;

нуфузли халқаро брендлардан жалб қилинган технолог, дизайнер, маркетолог каби мутахассислардан Ўзбекистон Республикаси худудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома берилганилиги учун тўловлар ундирилиши бекор қилинсан.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб Савдо-саноат палатаси (Д. Вахобов) ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Кудратов) белгилансин.

9. 2024 йил 1 майдан бошлаб фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун янги мажбурий тўловлар ва ўйимларни факатгина қонунда белгилаш амалиёти киритилсин.

10. Кенг жамоатчилик билан муҳокамаларда билдирилган таклифлар асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-куватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) доирасида қўйидагилар:

2024 йилга мўлжалланган ўналишлар кесимида амалий тадбирлар режалари 1 — 5-иловаларга\* мувофиқ;

2024 йилда ўналишлар кесимида ишлаб чиқиладиган норматив-хуқуқий хужжатлар лойихалари рўйхатлари 6 — 10-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансан.

Бунда, ўналишлар кесимида 2024 йилга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-300-сон қарори билан тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсан.

11. Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш ўналиши доирасида 2024 йилда:

Президент ва ихтисослаштирилган мактабларнинг билимларни баҳолаш тизими қўшимча 1 000 та умумий ўрта таълим муассасаларида жорий қилиниб, фанлардаги амалий машғулотлар улуши 60 фоизгача оширилсин;

6,7 миллион нафар 40 ва ундан катта ёшдаги аҳоли орасида юрак-қон томир, қандли диабет, ўпканинг сурункали обструктив касалликлари хавфини аниқлаш бўйича профилактик кўриклар ташкил этилсин;

7,5 минг нафар ёшлар замонавий касбларга ўқитилиши, халқаро имтиҳон тизимларида чет тиллари бўйича юқори балл олган 6 минг нафар ёшларнинг имтиҳон харажатлари қоплаб берилиши таъминлансан;

10 миллион нафар аҳолини югуриш, футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат, миллий ва белбоғли кураш каби спорт турлари бўйича марафон ва мусобақаларни ташкил этиш орқали оммавий спортга жалб қилиш чоралари кўрилсин;

2024 йилда Париж шаҳрида ўтказиладиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиш учун камида 140 та лицензияни қўлга киритиш мақсадида 15 та олимпия ва паролимпия марказида ҳамда Тошкент шаҳри, Андижон ва Тошкент вилоятларидағи 14 та спорт базасида барча зарур шароитлар яратилсан.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб тегишинча Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Мусаев), Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев),

\* 1 — 10-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Спорт вазирлиги (А. Икрамов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О. Касимов), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М. Ташходжаев) белгилансин.

12. Қўйидагилар:

а) 2024/2025 ўкув йилидан бошлаб:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 1 тадан туманида (шаҳрида) синов тариқасида «Менинг мактабим» лойиҳаси амалга оширилсин ҳамда бунинг доирасида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мактабларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баробарида маблағ ажратилиб, ушбу маблағ 5 — 11-синф ўқувчилари танловига кўра, электрон доска, компьютер, спорт жиҳозлари, китоблар каби мактаблар учун зарур товарларга сарфланиши белгилансин;

умумий ўрта таълим муассасалари директорларини менежерлик бўйича сертификациялаш тизими жорий этилсин. Бунда, директорларга малакавий талаблар аниқ белгиланиб, улар ҳар беш йилда бир маротаба аттестациядан ўтказилсин.

б) 2025 йил 1 январдан бошлаб Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидағи умумий ўрта таълим муассасаларида она тили ва адабиёт ҳамда тарих фанлари бўйича Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг миллий баҳолаш тизимида олинган тегишли даражадаги сертификатга эга бўлган ва ушбу фанлардан дарс берувчи педагог кадрларга уларнинг тариф ставкасига нисбатан 50 фоиз миқдорида ҳар ойлик қўшимча устама тўланиши белгилансин;

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова) белгилансин.

13. 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тажриба-синов тариқасида умумий ўрта таълим мактабларига олис ҳудудлардан қатнайдиган ўқувчилар учун аутсорсинг асосида бепул автобуслар катнови ўйлга қўйилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов) ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (У. Қосимов) белгилансин.

14. 2024 йил якунига қадар эҳтиёждан келиб чиқиб, вилоятлар марказлари, шунингдек, Тошкент ва Нукус шаҳарларида камидан оғир гематологик, онкологик ва клиник иммуноногик касалликлари бор беморларга паллиатив ёрдам кўрсатувчи хоспислар ташкил этилсин.

Бунда, хосписларни ташкил этиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва фаолиятига доимий қўмаклашиш лойиҳалари учун Олий Мажлис хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан грантлар эълон қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

15. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров):

а) 2024 йил 1 майга қадар:

2025 йилдан бошлаб катта ёшдаги аҳоли орасида юқумли бўлмаган қасалликлар хавфли омилларининг тарқалганлигини ўрганиш;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова) билан биргаликда 2026 йилдан бошлаб ўткизиладиган мактаб ўқувчилари орасида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг тарқалганлик ҳамда уларнинг психологияк ҳолатини ўрганиш бўйича режани белгиласин;

б) 2024 йил 1 декабрга қадар Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатиладиган давлат хизматлари сонини 17 тадан 24 тага етказсин ва бунинг доирасида фуқароларнинг онкологик, кардиологик ва эндокринологик скринингдан ўтиши натижаси, уларни даволаш учун ажратиладиган пуллар тўғрисида маълумот олиш имкониятини яратсин.

16. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ фуқароларни қўллаб-қувватлаш тизими ни янада такомиллаштириш мақсадида:

2024 йилда ногиронлиги бўлган шахсларни замонавий протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилиш техник воситалари билан таъминлашнинг янги тизими босқичма-босқич жорий қилинсин;

2024 йил 1 сентябрдан бошлаб пенсия тайинлашда бир вақтнинг ўзида шахсий жамғаридори бориладиган пенсия ҳисобварағидаги пулни олиш билан боғлиқ ҳаракатларни проактив тарзда амалга ошириш, ногиронликни белгилашда эса, ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган имтиёзлар тўғрисида хабардор қилиш тартиби жорий этилсин;

2024 йил 1 декабрдан бошлаб ёлғиз яшаётган ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида тегишли ўналишдаги нодавлат ташкилотлар орқали Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маблағлари ҳисобидан ижтимоий хизматлар кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун маъсуллар этиб Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (М. Оллоёров) ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (О. Фозилкаримов) белгилансин.

17. Оғир атлетика бўйича миллий спорт мактабининг халқаро нуфузини ошириш мақсадида 2024 йилда оғир атлетика бўйича барча ёш тоифасидаги спортчилар билан индивидуал ишлаш тизимини яратиш ҳамда уларни профессионал тайёргарлигини ташкил этиш учун Чирчик шаҳрида Оғир атлетика маркази ташкил этилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун маъсуллар этиб Спорт вазирлиги (А. Икрамов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О. Касимов) белгилансин.

18. Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш ўналиши доирасида:

ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати 6 фоиздан кам бўлмаган даражада бўлишини, инвестициялар эса ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан камида 30 фоиз бўлишини таъминлаш чоралари кўрилсин;

иқтисодиёт тармоқларида қиймати 18 миллиард доллар бўлган 309 та иирик лойиҳалар ишга туширилсин;

йиллик инфляция даражаси 9 фоизгача ва фискал тақчиллик 4 фоизгача бўлиши таъминлансан, кейинчалик инфляция ва Давлат бюджети тақчиллиги кўрсаткичларини пасайтириш чоралари кўрилсин;

иқтисодиёт тармоқларига 275 триллион сўм кредит ресурсларини йўналтириш, шу жумладан 41 триллион сўмлик микромолия хизматлари кўрсатилиши таъминлансан;

банклар томонидан тақдим этиладиган кредит ставкаларини бозор механизмлари асосида 2-3 фоиз бандга пасайтириш учун зарур шароитлар яратилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Бош вазир ўринбосари — Ж. Қўчкоров ва Марказий банк (М. Нурмуратов) белгилансин.

19. 2024 йил 1 апрелдан бошлаб давлат инвестиция дастурлари доирасида марказлашган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган иирик лойиҳаларга саноат кооперацияси талаблари жорий этилсин.

Бунда, лойиҳалар доирасида маҳаллий корхоналарда зарур маҳсулотларни ўзлаштириш ва харид қилиш тавсия этиладиган маҳсулотлар рўйхати, маҳаллий мутахассисларни жалб қилиш режаси ва уларга қўйиладиган талаблар назарда тутилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Кудратов) ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Б. Ходжаев) белгилансин.

20. Республикада «яшил иқтисодиёт»га ўтиш учун қулай шароитларни яратиш ва «яшил энергия» манбалари салмоғини ошириш мақсадида:

а) 2024 йил 1 апрелга қадар:

«яшил энергия» сертификатлари айланмаси бозор тамойиллари асосида йўлга қўйилиши таъминлансан;

халқаро иссиқхона гази савдоси бўйича лойиҳаларни амалга ошириш тартиби тасдиқлансин;

б) 2024 йил 1 апрелдан бошлаб иқлим ўзгариши соҳасида мониторинг, ҳисобот бериш ва текширишнинг замонавий тизими (MRV) ва маълумотлар базаси босқичма-босқич йўлга қўйилсин;

в) 2024 йил якунига қадар хорижий инвесторлар иштирокида Тошкент, Қашқадарё, Бухоро, Наманган ва Навоий вилоятларида умумий қуввати 2 700 МВт бўлган 6 та иирик қуёш электр станцияларини ишга тушириш таъминлансан.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов) ва Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов) белгилансин.

21. Давлат активларини бошқариш агентлиги (А. Ортиқов) бир ой муддатда:

уч ойдан ортиқ муддат мобайнида очиқ савдоларда сотилмаган давлат активларининг бошланғич баҳосини 50 фоизгача босқичма-босқич пасайтириш;

ер участкалари олти ой давомида сотилмаганда тўловнинг 15 фоизини уч ой муддатда, қолган қисмини 10 йил муддатда бўлиб тўлаш имкониятини яратиш бўйича амалий чораларни кўрсинг.

22. 2024 йил 1 апрелдан бошлаб чегара божхона постларида мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини расмийлаштириш бўйича карантин, санитария-эпидемиология осойишталик ва ветеринария соҳаларидаги назорат функциялари божхона хизмати органларига ўтказилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб Божхона қўмитаси (А. Мавлонов) белгилансин.

23. Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятида очиқлик даражасини кескин ошириш ва корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш мақсадида 2024 йил 1 июлдан бошлаб давлат улуси 50 фоиз ва ундан юкори бўлган йирик солик тўловчилар корпоратив ижтимоий масъулият (CSR) ҳамда экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) ҳолати тўғрисида ҳар йили 1 июля қадар ҳисоботни жамоатчиликка ошкор этиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Б. Ходжаев) ва Давлат активларини бошқариш агентлиги (А. Ортиков) белгилансин.

24. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, экспорт ҳажмини кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 октябрдаги «Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5262-сон қарорида назарда тутилган маҳсулотларга импорт божхона божининг ноль ставкасини қўллаш муддати 2027 йил 1 январга қадар узайтирилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров) ва Божхона қўмитаси (А. Мавлонов) белгилансин.

25. Сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналиши доирасида:

2024 йилда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида камида 200 миллион туп манзарали ва мевали дарахт ҳамда буталар кўчатларини, қаламчаларини экиш, республикада 444 та яшил боғлар барпо этиш;

2024 йил 1 марта қадар сув каналларини реконструкция қилиш ишларига Давлат бюджетидан қўшимча ажратилган 500 миллиард сўм маблағлар доирасида камида 1,5 минг километр йирик каналларни бетонлаш ишларини якунлаш чоралари кўрилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб тегишинча Бош вазир ўринбосари — А. Раматов, Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев), Ҳисоб палатаси (А. Бобоев) ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов) белгилансин.

26. Мамлакатимизда чанг бўронларига қарши курашиш ва уларнинг салбий оқибатларини юмшатиш доирасида:

а) 2024 йил 1 марта бошлаб:

худудларда чанг бўрони содир бўлаётганда ва атмосфера ҳавосида май-

да дисперс заррачалари белгиланган нормадан юқори бўлгани аниқланганда аҳолини огоҳлантириш, юрак-қон томир ва нафас йўллари касалликлари га чалинган ҳамда соғлифи ҳавонинг ифлосланишига таъсирчанлиги юқори бўлган бошқа фуқароларни зарур профилактик чоралар тўғрисида доимий хабардор қилиш амалиёти йўлга қўйилсин;

ўлчами 500 метр квадрат ва ундан ортиқ бўлган қурилиш майдонларида, унга кириб-чиқиши йўлларида чанг ва қум заррачаларининг ҳавога қўтарилишини бартараф этиш бўйича мажбурий талаблар жорий этилсин;

Тошкент шаҳрида юк ташиш учун мўлжалланган, рухсат этилган тўла вазни 10 тоннадан юқори бўлган N2, N3, O4 тоифага кирувчи автотранспорт воситаларининг ҳаракати тифиз вақт оралиқларида тақиқлансан. Бунда, ушбу чекловлар маҳсус хизмат шу жумладан, коммунал ҳўжалиги, ободонлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг юк транспорти воситаларига татбиқ этилмаслиги белгилансин;

б) 2030 йилга қадар Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида «ЕВРО — 5» ва ундан юқори стандартларига мувофиқ бўлмаган автомашиналар эксплуатацияси босқичма-босқич чеклансан.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб тегишинча Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А. Абдухакимов), Соғликни сақлаш вазирлиги (А. Худайров), Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазирлиги (Б. Закиров), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобоҷонов) ва Транспорт вазирлиги (И. Махкамов) белгилансин.

27. Кенг жамоатчилик вакиллари ва экофаолларнинг экологияга автомобиллар чиқинди газларининг заарли таъсирини камайтириш учун Тошкент шаҳрида ҳар ойнинг бир иш куни давомида автомобиллар ҳаракатланишини (жамоат транспортлари, маҳсус ва шошилинч ёрдам хизматларидан ташқари) қисқартиришга қаратилган «Автомобилсиз кун» жамоатчилик лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан.

Бунда, биноси Тошкент шаҳрида жойлашган барча республика ва ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбар ва бошқа ходимлари жамоат транспортида иш жойига келиши орқали намуна кўрсатиб борсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Экология, атроф-муҳитни муҳофоза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А. Абдухакимов), Транспорт вазирлиги (И. Махкамов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ш. Умурзаков) белгилансин.

28. Қонун устуворлигини таъминлаш, ҳалқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши доирасида 2024 йил 1 майга қадар:

адашган ёшларни жамиятга интеграция қилиш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш мақсадида Ёшлар иттифоқи кафиллиги асосида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёшларни пробация ҳисобидан чиқариш амалиёти жорий этилсин ва уларни профилактик ҳисобга олиш асослари кескин қисқартирилсин;

йўл ҳаракати қоидалари бузилиши ҳолати юзасидан юбориладиган қарор ва хабарномалар бўйича Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига Ягона

интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон мурожаат қилиш имконияти яратилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Ички ишлар вазирлиги (П. Бобоҷонов), Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдулаев) ва Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) белгилансин.

29. Маҳаллани жамоатчилик ва давлат органлари ўртасидаги таянч бўйинга айлантириш мақсадида:

2024 йил 1 апрелдан бошлаб «Ташаббусли бюджет» доирасидаги лойиҳаларни ташаббускорлар, маҳалла раиси ва фаолларининг иш сифати юзасидан розилиги олинганидан кейингина фойдаланишга қабул қилиш тартиби жорий этилсин;

2024 йил 1 августга қадар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига «Ташаббусли бюджет» доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларидан маълумотлар олиш, маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ажратилишини талаб қилиш ҳамда лойиҳалар амалга оширилишини жамоатчилик томонидан мониторинг қилиш имконияти яратилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров) ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К. Куранбаев) белгилансин.

30. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари ҳамда амалга оширилган ва режалаштирилаётган харжатлар бўйича молиявий ҳужжатларга асосланган йиллик ва ярим йиллик ҳисоботларни аҳоли эътиборига тушуниш учун осон усуlda ўз расмий веб-сайтида эълон қилиб бориш амалиётини йўлга қўйсин.

31. «Хавфсиз ва тинчликсевар давлат» тамоилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш ўйналиши бўйича Қуролли Кучлар, соҳага масъул бошқа вазирлик ва идораларнинг киберхавфсизлик ҳамда эпидемиологик барқарорликни таъминлаш бўйича салоҳиятини кескин ошириш мақсадида:

киберхавфсизлик инфратузилмасининг мухим элементлари ҳисобланувчи ахборот тизимлари аттестацияси ва экспертизаси учун ҳар бир вазирлик ва идорада масъул шахслар жавобгарлиги белгилансин;

мазкур ўйналишларда кадрлар тайёрлаш бўйича ўқув дастурлари ва ўқитиши методикаларини замонавий таҳдид ва тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш чоралари кўриб борилсин;

мамлакатимизнинг рақами ва ҳарбий-тиббий инфратузилмасини такомиллаштириш, масъул идораларни замонавий техника ва тибиёт аппаратуралари билан босқичма-босқич таъминлаш дастури амалга оширилсин;

фуқаролар шахсий маълумотларининг ҳимоясини кафолатли таъминлаш бўйича, шунингдек банк ва тўлов тизимлари учун фирибгарликка қарши ва замонавий биометрик тизимлар жорий этилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобоҷонов),

нов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) ва Марказий банк (Н. Саъдуллаев) белгилансин.

### 32. Қўйидагилар:

Стратегик ислоҳотлар агентлиги Адлия вазирлиги, Ҳисоб палатаси билан биргаликда «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида йўналишлар бўйича амалий тадбирлар режалари бажарилишини, мақсадли кўрсаткичларга эришилишини ва тегишли норматив-ҳукуқий ҳужжатлар лойихалари ишлаб чиқилишини тизимли мониторинг қилиб борсин;

«Тараққиёт стратегияси» маркази ва «Юксалиш» ҳаракати Давлат дастурининг амалга оширилишини, шу жумладан жойларга чиқиб, жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда танқидий ўрганиб борсин ва натижалари бўйича ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

Давлат ҳокимияти органлари, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари «Тараққиёт стратегияси» маркази ва «Юксалиш» ҳаракатининг мазкур банд ижроси бўйича фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиб борсин.

### 33. Вазирлар Маҳкамаси:

ҳар ой якуни бўйича Давлат дастури ижроси юзасидан маълумотларни умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борсин;

ҳар чорак якуни бўйича Давлат дастурида юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати йиғилишида муҳокама қилиб борсин;

ҳар ярим йилда Давлат дастури ижроси юзасидан ҳисботларни Олий Мажлис Конунчилик палатасига киритиб борсин.

34. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Джурбаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) оммавий ахборот воситалари билан биргаликда мунтазам равища:

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2024 йилда амалга ошириш натижалари оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет тармоғида ва ижтимоий тармоқларда кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка тушунтирилишини;

«Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида амалга оширилаётган барча тадбирларнинг бориши ва натижалари тўғрисидаги холис ва тўлиқ маълумотлар аҳолига тезкорлик билан етказилишини таъминласин.

35. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини мунтазам равища муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 21 февраль,  
ПФ-37-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**66 Конунларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга со-  
лишдаги ролини ҳамда норма ижодкорлиги жараёни си-  
фатини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг қабул қилиниши миллий қонунчиликни такомиллаштириш, конун ижодкорлиги жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш, тўғридан-тўғри амал қиласиган қонунларни қабул қилиш амалиётини кенгайтириш, шунингдек, хуқуқий тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш бўйича бир қатор вазифаларни кун тартибиغا қўймокда.

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг норма ижодкорлиги фаолияти-нинг ислоҳотлар билан уйғунлигини таъминлаш ва давлат хуқуқий сиёсати-нинг институционал асосларини ривожлантириш бўйича мақсадига эришиш, шунингдек, қонунларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини янада ошириш, шу жумладан, улардаги хуқуқий бўшликларни тўлдириш ва ҳаволаки нормаларини амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни белгилаш ҳамда хуқуқни қўллаш амалиётининг бир хиллигини таъминлаш мақсадида:

1. 2017 — 2023 йилларда қабул қилинган 135 та яхлит қонунда жами 543 та ҳаволаки норма мавжудлиги, шундан 23 та қонундаги 41 та ҳаволаки нормани амалга ошириш бўйича қонуности ҳужжатлари қабул қилинмаганини маълумот учун қабул қилинсин.

2. Давлат ва жамият қурилиши, суд-хуқук, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда — чора-тадбирлар режаси) иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансан.

3. Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларнинг улушкини изчил ошириб бориш ҳамда қонунлардаги ҳаволаки нормалар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида 2024 йил 1 марта бошлаб қўйидаги тартиб-таомилларни жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсан:

қонун лойиҳасидаги ҳаволаки нормаларни амалга оширишнинг аниқ муддатлари ва масъул ижрочиларини лойиҳанинг ўзида мажбурий тартибда белгилаш;

тегишли соҳани тартибга солувчи қонун лойиҳасини тайёрлашда ушбу соҳадаги қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинган муносабатларни қонун даражасига кўтариш имкониятини мухокама қилиш шартлигини белгилаш ва бу ҳақда қонун лойиҳасининг тушунтириш хатида кўрсатиш;

қонун кучга кирган кундан бошлаб беш йил ўтиб, масъул давлат органи ва Олий Мажлис палаталарининг қўмиталари томонидан қонуннинг самара-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 20 февралда эълон қилинган.

\*\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дорлигини, мақсади ва кутилган натижаларига эришилганлигини аниқлаш учун унинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш амалиётини жорий этиш.

4. Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаларини ишлаб чиқишида фуқаролик жамияти институтлари, илмий ҳамжамият вакиллари иштирокини кенгайтириш, жамоатчилик муҳокамаси тизимини такомиллаштириш ҳамда норма ижодкорлиги жараёнининг халқчил бўлишини таъминлаш мақсадида 2024 йил 1 мартдан бошлаб қўйидагиларни назарда тутивчи тартиб жорий этилсин:

янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида тўпланган ижобий тажриба асосида энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишидан олдин уларнинг тайёрланиши ҳақидаги аҳборот норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жойлаштирилади ҳамда дастлаб жамоатчиликнинг таклиф ва тавсиялари олиниб, улар асосида тегишли лойиҳалар ишлаб чиқилади;

норматив-хуқуқий хужжатни кучини ўйқотган деб топиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилгандা, унинг асосида қабул қилинган қўйи турувчи норматив-хуқуқий хужжатлар хатловдан ўтказилиб, уларни ҳам ўз кучини ўйқотган деб топиш масаласи кўриб чиқилади.

5. Масъул вазирлик ва идоралар ушбу қарорга иловага мувофиқ тасдиқланаётган чора-тадбирлар режасида белгиланган муддатларда қонун хужжатларини танқидий таҳлил қилиш, миллий ва халқаро тажрибани чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш якунлари бўйича норматив-хуқуқий ва бошқа хужжатларнинг пухта ишлаб чиқилиши, келишилиши ҳамда қабул қилиниши ёки ўрнатилган тартибда киритилишини таъминласин.

#### 6. Адлия вазирлиги:

норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари белгиланган тартибда келишилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасига киритилиши устидан мониторинг олиб борсин;

чора-тадбирлар режасида назарда тутилган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ва идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

жамоатчилик муҳокамасига чиқарилаётган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари бўйича аҳолининг таклиф ва эътиrozларига ишлаб чиқувчи томонидан муносабат билдирилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатсан;

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мамлакат худудида олий юридик кучга эгалиги ҳамда тўғридан-тўғри амал қилиши тўғрисидаги конституциявий нормалардан келиб чиқиб, норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини баҳолашни алоҳида мезон сифатида белгиласин;

норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда ушбу қарор талабларига риоя этилишини таъминласин;

уч ой муддатда ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга норматив-хуқуқий хужжатлар

лойиҳаларини жамоатчилик таклиф ва тавсиялари асосида ишлаб чиқиш бўйича вазирлик ва идоралар учун услубий тавсияларни тасдиқласин;

уч ой муддатда қонунларнинг амалиётда аниқ ва тўғри қўлланишини таъминлаш мақсадида уларнинг ҳуқуқни қўлловчиларга ва ахолига тушунтириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритсин.

7. Масъул вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари зиммасига чора-тадбирлар режасида белгиланган норматив-ҳуқуқий ва бошқа хужжатлар лойиҳалари ўз вақтида ва сифатли тайёрланиши, экспертиза қилиниши ва келишилиши юзасидан шахсий масъулият юклансин.

8. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатига қонунларнинг ҳаволаки нормалари амалга оширилиши устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 19 февраль,  
ПҚ-75-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**67**

**Республикада мис хом ашёсини чуқур қайта ишлашни  
янада жадаллаштириш чора-тадбирлари түғрисида\***

Республикада мис хом ашёсини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, уларга боғлиқ бўлган саноат тармоқларида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда биржা савдоларида мисни қайта ишлаш корхоналари фаол иштирикини таъминлаш мақсадида:

1. Мис хом ашёсини чуқур қайта ишлаш корхоналари фаолиятини ўрганиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) 1-иловага\*\* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

2. Комиссияга биржা савдолари орқали мис хом ашёсини харид қилаётган маҳаллий корхоналар фаолиятини қўйидаги йўналишлар бўйича ўрганиш вазифаси юклансин:

ишлаб чиқаришда кўп поғонали технологик занжир жорий этилганлиги; умумий ишлаб чиқаришда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар улуши; экспорт мақсадли кўрсаткичларининг бажарилиши;

маҳсулотлар экспортининг умумий ҳажмида юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар улуши ҳамда ривожланган давлатларга амалга оширилган экспорт улуши;

биржা савдоларида сотиб олинган мис катодларини қайта ишлаш учун мўлжалланган мис эритиш қувватларининг мавжудлиги;

ишлаб чиқариш жараёни рақамлаштирилганлиги ва халқаро сертификат мавжудлиги;

синов базаси мавжудлиги ва асосий воситаларнинг янгиланиш даражаси.

Комиссия ўрганиш натижаларига кўра мис хом ашёсидан юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар рўйхатини (кейинги ўринларда — Рўйхат) тасдиқласин.

3. Белгилансинки:

а) биржা савдолари орқали харид қилинган мис хом ашёси учун тўловларнинг 25 фоизини бўнак тарзида, қолган 75 фоизини мис хом ашёси олинганидан сўнг 90 кун ичida тўлашга рухсат берилади.

Бунда мис хом ашёси учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган ҳар бир кун учун тўланиши лозим бўлган тўловлар суммаси қўйидагича белгиланади:

30 кун ичida амалга оширилган тўловлар қисмига — фоиз ҳисобланмайди;

31 кундан 60 кун ичida амалга оширилган тўловлар қисмига — Марказий банк асосий ставкасининг 50 фоизи миқдорида фоиз ҳисобланади;

61 кундан 90 кун ичida амалга оширилган тўловлар қисмига — Марказий банк асосий ставкаси миқдорида фоиз ҳисобланади;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2024 йил 21 февралда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да эълон қилинган.

б) мис хом ашёсини харид қилиш учун биржада савдоларида иштирок этиш ҳуқуқи Рўйхатга киритилган маҳаллий корхоналарга берилади.

4. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси Иктисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда юқори технологияли ишлаб чиқариши ташкил этган маҳаллий корхоналарни баҳолаш мезонлари ҳамда биржада савдолари орқали мис хом ашёсини харид қиласиган маҳаллий корхоналар рўйхатини шакллантириш, уларни рўйхатдан чиқариш ҳамда фаолиятини мониторинг қилиш тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-илювага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Ушбу қарор 2024 йил 1 апрелдан эътиборан кучга киради ҳамда унинг талаблари 2024 йил 1 апрелга қадар тузилган шартномаларга нисбатан татбиқ этилмайди.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 19 февраль,  
ПҚ-77-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 19 февралдаги  
ПҚ-77-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3479-сон қарори 2-бандининг «а» кичик бандида:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«экстракцион бензин, иккиламчи алюминий, металл рух, чорва озуқаси учун буғдой — фақат туман (шаҳар) ҳокимликлари хulosасига мувофиқ уларни кейинчалик қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган корхоналарга»;

қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«мис катоди, мис катанкаси — Мис хом ашёсини чуқур қайта ишлаш корхоналари фаолиятини ўрганиш бўйича комиссия хulosаси асосида»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансан

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 марта «Электротехника саноатини янада ривожлантириш ва маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5011-сон қарори 6-бандида:

а) учинчи хатбошида:

«1 январдан» сўзлари «1 апрелдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

«60 иш куни ичida ҳар ойда тенг улушларда» сўзлари «90 кун ичida» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) еттинчи хатбоши «мис катоди» сўзларидан кейин «ва мис катанкаси» сўзлари билан тўлдирилсин;

в) қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«мис хом ашёси учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган ҳар бир кун учун тўланиши лозим бўлган тўловлар суммаси қўйидагicha белгиланади:

30 кун ичida амалга оширилган тўловлар қисмiga — фоиз ҳисобланмайди;

31 кундан 60 кун ичida амалга оширилган тўловлар қисмiga — Марказий банк асосий ставкасининг 50 фоизи миқдорида фоиз ҳисобланади;

61 кундан 90 кун ичida амалга оширилган тўловлар қисмiga — Марказий банк асосий ставкаси миқдорида фоиз ҳисобланади».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**68** **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-кувватлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш ҳақида\***

Сўнгги йилларда заргарлик саноатини ривожлантириш ва заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларни хар томонлама қўллаб-кувватлаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларга қимматбаҳо металларни кечикириб тўлаш шарти билан сотиш тартиби жорий этилиши натижасида уларнинг барқарор фаолият юритиши учун қўшимча имкониятлар яратиб берилди.

Шу билан бирга, қимматбаҳо металларни сотища кечикириб тўлашнинг нисбатан узок муддати белгиланганлиги қимматбаҳо металларни етказиб берувчи корхоналарнинг айланма маблағларидан самарали фойдаланиш, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш имкониятларини чеклаб қўймоқда.

Заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларга қимматбаҳо металларни кечикириб тўлаш шарти билан сотиш ва заргарлик соҳасида иш ўринларини яратган тадбиркорлик субъектларига қимматбаҳо металларни сотиб олишда чегирмалар қўллаш тартибини янада такомиллаштириш ҳамда улардан самарали фойдаланишина таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ қўйидагиларни назарда тутувчи қўшимчалар киритилсин:

а) қимматбаҳо металларни кечикириб тўлаш шарти билан сотиб олиш имкониятидан фойдаланилган ҳар бир кун учун фоизлар ҳисоблаш тартибни жорий қилиш, хусусан:

30 кун ичida амалга оширилган тўловлар қисмига — фоиз ҳисобламаслик;

31-кундан 180 кун ичida амалга оширилган тўловлар қисмига — Марказий банк асосий ставкаси миқдорида фоиз ҳисоблаш;

б) қимматбаҳо металларни биржа савдоларида чегирмалар қўллаган ҳолда сотиб оловчи тадбиркорлик субъектларига қўйиладиган мезонларни белгилаш, шу жумладан:

яратилган иш ўринларининг камидаги 70 фоизини заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металл буюмлар ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган ишчилар касблари ташкил этишини;

яратилган иш ўринларига ишга қабул қилинган ходимларга камидаги олти ой давомида иш ҳақи ҳисобланиши ва ушбу ҳолат солиқ органлари томонидан тасдиқланган бўлишини;

тадбиркорлик субъектлари зарур моддий-техника базаси, ускуналар ва

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси»да 2024 йил 26 февралда эълон қилинган.

бошқа техника воситалари, ишлаб чиқариш майдонлари ҳамда шароитларга эга бўлишини назарда тутувчи тартибни жорий қилиши.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 24 февраль,  
ПҚ-85-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 24 февралдаги  
ПҚ-85-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлариға  
киритилаётган қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 февралдаги «Заргарлик саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4998-сон қарорининг 1-банди:

қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«кечиктириб тўлаш шарти билан сотиб олинган қимматбаҳо металлар учун тўловларни амалга оширганда, 30 кун ичida амалга оширилган тўловлар қисмига — фоиз ҳисобланмайди, 31-кундан 180 кун (шу куни ҳам) ичida амалга оширилган тўловлар қисмига — 30-кундан кейин кечиктириб тўлаш имкониятидан фойдаланилган кунларга мос равища Марказий банк асосий ставкаси миқдорида фоиз ҳисобланади»;

тўртинчи — саккизинчи хатбошилар тегишинча бешинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдағи «Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва маҳаллий заргарларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-452-сон қарорининг 2-банди қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Белгилансинки, ушбу чегирмалардан фойдаланадиган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларининг рўйхати қўйидаги мезонларни инобатга олган ҳолда шакллантирилади:

а) заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган иш ўринлари сони.

Бунда, ушбу иш ўринларининг камиди 70 фоизини Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторида (МХСК — 08 бўйича коди 7313) белгиланган заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металл буюмла-

ри ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган ишчилар касблари ташкил этиши лозим;

б) яратилган иш ўринларига ишга қабул қилинган ходимлар билан белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузилганлиги, уларга камида олти ой давомида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи ҳисобланганлиги ҳамда ушбу ҳолат солик органлари томонидан тасдиқланганлиги;

в) заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларида юқори қўшилган қийматли заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий-техника базаси, ускуналар ва бошқа техника воситалари, шунингдек, заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш бўйича белгиланган талабларга жавоб берадиган ишлаб чиқариш майдонлари ва шароитларининг мавжудлиги.

Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Қимматбаҳо металларни биржа савдоларида сотишда чегирмалар бериш учун заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларининг рўйхатини шакллантириш ва юритиш тартибини тасдиқласин».

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ**

**69      Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини юқтириб олган шахслар ишлаши ман этилган касбий фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3497*

Ўзбекистон Республикасининг «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиб тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман**:

1. Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини юқтириб олган шахслар ишлаши ман этилган касбий фаолият турлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазириning «Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини юқтириб олган шахслар ишлаши ман этилган касбий фаолият турларини тасдиқлаш тўғрисида» 2014 йил 23 апрелдаги 7-сон буйруғи (рўйхат рақами 2581, 2014 йил 7 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 219-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ХУДАЯРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 10 январь,  
1-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2024 йил 19 февралда эълон қилинган.

Келишиилди:

*Камбагалликни қисқартириш  
ва бандлик вазири*

*Б. МУСАЕВ*

2023 йил 28 декабрь

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари  
Федерацияси раиси*

*К. РАФИКОВ*

2023 йил 19 декабрь

Ўзбекистон Республикаси  
соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил  
10 январдаги 1-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини юқтириб олган  
шахслар ишлаши ман этилган касбий фаолият турлари  
РЎЙХАТИ**

1. Одам қони ва (ёки) унинг таркибий қисмларини тайёрлаш, қайта ишлов бериш хамда гемотрансфузия билан боғлиқ касблар.
2. Барча турдаги жарроҳлик амалиёти билан боғлиқ касблар.
3. Туғруқ билан боғлиқ касблар.
4. Қуйидаги тиббий муолажалар билан боғлиқ касблар:  
диализ;  
венесекция;  
катетеризация.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**70**

**Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг қарз юкини тартиб-  
га солиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча-  
лар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3205-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий  
банки тўғрисида»ги Қонунiga мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий  
банки бошқаруви қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил  
28 сентябрдаги 24/5-сон қарори (рўйхат рақами 3205, 2019 йил 19 де-  
кабрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.12.2019 й.,  
10/19/3205/4177-сон) билан тасдиқланган Қарз олувчи жисмоний шахслар-  
нинг қарз юкини тартибга солиш тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўз-  
гартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан  
келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ойдан  
кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 26 январь,  
42/16-сон

*Келишилди:*

*Ўзбекистон Савдо-саноат  
палатаси раиси*

**Д. ВАХАБОВ**

2024 йил 20 январь

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 22 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2024 йил  
26 январдаги 42/16-сон қарорига  
ИЛОВА

**Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг қарз юкини  
тартибиға солиш түғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом қарз олувчи жисмоний шахсларга кредитлар (микроқарзлар) ажратилаётганда қарз юкини ҳисоблаш тартибини, қарз юкининг рухсат этилган миқдорини, шунингдек кредитлар ва микроқарзлар бўйича қунлик энг юқори фоиз ставкаларини белгилайди.».

2. 1-банднинг иккинчи хатбошиси, 4-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари, 6-банд ва 7-банднинг иккинчи хатбошисидаги «микроқарз» деган сўз «кредит (микроқарз)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Қўйидаги мазмундаги 1<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«1<sup>1</sup>. Ушбу Низом талаблари оиласи тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратиладиган кредитларга нисбатан татбиқ этилмайди.».

4. 2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. 2024 йил 1 июлга қадар қарз юки кўрсаткичи ҳар бир қарз олувчига қарз берувчи томонидан микроқарз ажратишда унинг суммаси ва қарз олувчининг амалдаги кредит (микроқарз) шартномалари бўйича асосий қарз қолдиги йиғиндиси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари ва ундан ошганда ҳисобланади.

2024 йил 1 июлдан бошлаб қарз юки кўрсаткичи ҳар бир қарз олувчига қарз берувчи томонидан кредит (микроқарз) ажратишда, шу жумладан мазкур кредит (микроқарз) бўйича ўртacha ойлик тўловлар миқдорини ошириш, кредитлаш лимитини ошириш ҳамда муддатни узайтиришга оид қарор қабул қилинганда (бундан бўён матнда кредит (микроқарз) ажратиш деб юритилади) ҳисобланиши лозим.

Бунда, қарз юки кўрсаткичи:

банк томонидан жисмоний шахсларга кредит (микроқарз) ажратишда мазкур банк томонидан жисмоний шахсларга ажратилган барча кредитлар сонининг ва микроқарзлар сонининг энг кўпи билан 15 фоизигача бўлган миқдорида;

микромолия ташкилоти ва ломбард томонидан жисмоний шахс бўлган қарз олувчига кредит (микроқарз) ажратишда унинг суммаси ва қарз олувчининг амалдаги кредит (микроқарз) шартномалари бўйича асосий қарз қолдиги йиғиндиси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан ошмаганда;

микромолия ташкилоти томонидан ўзини ўзи банд қилган шахс бўлган қарз олувчига микрокредит ажратишда унинг суммаси ва қарз олувчининг амалдаги кредит (микроқарз) шартномалари бўйича асосий қарз қолдиги

йиғиндиси базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 бараваридан ошмаганда ҳисобланмаслиги ёки инобатга олинмаслиги мумкин.».

5. Қуидаги мазмундаги 4<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«4<sup>1</sup>. Кредит (микроқарз) шартномасига асосан уни сўндириш муддати 36 ойдан ошган тақдирда, қарз юки бўйича ўртacha ойлик тўловлар миқдори ҳисоб-китобида кредит (микроқарз) бўйича барча тўловлар 36 ойга тенг миқдорда (аннуитет усулида) тақсимланади, бундан ипотека кредитлари ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан жойлаштириладиган ресурслар ҳисобидан ажратилган таълим кредитлари мустасно.».

Ипотека кредити шартномасига асосан уни сўндириш муддати 180 ойдан ошган тақдирда, қарз юки бўйича ўртacha ойлик тўловлар миқдори ҳисоб-китобида кредит бўйича барча тўловлар 180 ойга тенг миқдорда (аннуитет усулида) тақсимланади, бундан давлат дастурлари доирасида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари мустасно.».

6. 9-банднинг саккизинчи хатбошиси қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда, қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчининг ўртacha ойлик даромадларини аниқлашда:

банк мазкур банднинг иккинчи — еттинчи хатбошиларида кўрсатилган даромадлар тўғрисидаги маълумотларни камида охирги олти ой учун олиши лозим;

микромолия ташкилоти ва ломбард мазкур банднинг иккинчи — еттинчи хатбошиларида келтирилган хужжатлар билан чекланмасдан бошқа маълумотлардан фойдаланиши мумкин.».

7. 10-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. 2024 йил 1 июлга қадар қарз берувчи томонидан микроқарзлар ажратишда жисмоний шахснинг қарз юки кўрсаткичи 50 фоиздан ошмаслиги керак.

Қарз берувчи томонидан кредит (микроқарз) ажратишда жисмоний шахснинг қарз юки кўрсаткичи:

2024 йил 1 июлдан 2025 йил 1 январга қадар — 60 фоиздан;

2025 йил 1 январдан бошлаб — 50 фоиздан ошмаслиги керак.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОФИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**71**

**Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари беришда шифокорларнинг мутахассислик бўйича иш стажини ҳисоблаб чиқаришда ўзаро ҳисобга олинадиган турдош мутахассисликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3498*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 18 сен-тябрдаги 477-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари беришда шифокорларнинг мутахассислик бўйича иш стажини ҳисоблаб чиқаришда ўзаро ҳисобга олинадиган турдош мутахассисликлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгashi билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир****А. ХУДАЯРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 5 февраль,  
4-сон

*Келишилди:*

**Иқтисодиёт ва молия вазири****Д. КУЧКАРОВ**

2024 йил 1 февраль

**Камбағалликни қисқартириши  
ва бандлик вазири**

**Б. МУСАЕВ**

2024 йил 24 январь

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 22 февралда эълон қилинган.

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари  
Федерацияси раиси*

*K. РАФИКОВ*

2024 йил 10 январь

Ўзбекистон Республикаси  
соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил  
5 февралдаги 4-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан  
ўтказиш ва уларга малака тоифалари беришда шифокорларнинг  
мутахассислик бўйича иш стажини ҳисоблаб чиқаришда ўзаро  
ҳисобга олинадиган турдош мутахассисликлар  
РЎЙХАТИ**

T/p	Мутахассислик номи	Ўзаро ҳисобга олинадиган мутахассисликлар номи
1.	Психиатрия	«Болалар ва ўсмирлар психиатрияси», «Суд-психиатрия экспертизаси», «Суицидология», «Тиббий психотерапия», «Наркология»
2.	Терапия	«Гастроэнтерология», «Ўсмир ва чақирив ёшидагилар касалликларининг шифокорлик экспертизаси», «Касб касалликлари», «Пульмонология», «Ревматология», «Диетология», «Аллергология ва клиник иммунология», «Нефрология гемодиализ билан», «Шошилинч тиббий ёрдам»
3.	Педиатрия	«Умумий педиатрия», «Неонатология», «Болалик даври иммунопрофилактикаси», «Болалар аллергологияси ва иммунологияси», «Болалар кардиологияси ва ревматологияси», «Болалар нефрологияси гемодиализ билан», «Болалар клиник иммунологияси», «Шошилинч тиббий ёрдам»
4.	Тиббий радиология	«Интервенцион радиология», «Ядрорий тиббиёт»
5.	Гигиена	«Радиацион гигиена», «Болалар ва ўсмирлар гигиенаси», «Коммунал гигиена», «Мехнат гигиенаси», «Нутрициология (овқатланиш гигиенаси)»
6.	Оиласвий шифокорлик	«Терапия», «Педиатрия», «Шошилинч тиббий ёрдам»
7.	Ўсмир ва чақирив ёшидагилар касалликларининг шифокорлик экспертизаси	«Оиласвий шифокорлик», «Терапия», «Педиатрия»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОФИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**72**

**«Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруқ, шунингдек унга ўзгаришиш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-9*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 18 сен-тябрдаги 477-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Айрим идоравий норматив-хукукий хужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.
3. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир****А. ХУДАЯРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 5 февраль,  
5-сон

*Келишиилди:*

**Иқтисодиёт ва молия вазари****Д. КУЧКАРОВ**

2024 йил 1 февраль

**Камбағалликни қисқартириш  
ва бандлик вазари****Б. МУСАЕВ**

2024 йил 15 январь

---

\* Ушбу бўйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 22 февралда эълон қилинган.

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари  
Федерацияси раиси*

*К. РАФИКОВ*

2024 йил 10 январь

Ўзбекистон Республикаси  
соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил  
5 февралдаги 5-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 18 декабрдаги 21-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2649, 2015 йил 19 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 3-сон, 32-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 20 октябрдаги 115-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2649-1, 2017 йил 16 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.11.2017 й., 10/17/2649-1/0267-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 25 декабрдаги 131-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2649-2, 2017 йил 27 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.12.2017 й., 10/17/2649-2/0467-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 31 октябрдаги 95-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2649-3, 2019 йил 13 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.11.2019 й., 10/19/2649-3/4019-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 23 декабрдаги 140-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2649-4, 2020 йил 31 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 10/20/2649-4/1699-сон).

6. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 16

сентябрдаги 21-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2649-5, 2021 йил 29 сентябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси 29.09.2021 й., 10/21/2649-5/0912-сон).

7. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 8 октябрдаги 27-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2649-6, 2021 йил 11 октябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.10.2021 й., 10/21/2649-6/0949-сон).

8. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 11 майдаги 11-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2649-7, 2022 йил 18 май) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.05.2022 й., 10/22/2649-7/0430-сон).

9. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 7 августдаги 33-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2649-8, 2023 йил 21 август) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.08.2023 й., 10/23/2649-8/0630-сон).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СПОРТ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ**

**73**      Давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлигининг айрим идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
23 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3499*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 январдаги ПФ-18-сон «Ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлигининг айрим идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ИКРАМОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 20 февраль,  
2-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси  
спорт вазирининг 2024 йил 20 февралдаги  
2-мҳ-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлигининг айрим  
идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларига киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2011 йил 9 июндаги 484-сон бўйруғи (рўйхат рақами 2247, 2011 йил 22 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 30-сон, 318-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида тренерлик фаoliyati тўғрисидаги низомнинг 13, 23 ва 28-бандларидаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмита-сининг 2017 йил 7 августдаги 5-мҳ-сон қарори (рўйхат рақами 2923, 2017 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.,

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2024 йил 26 февралда эълон қилинган.

35-сон, 939-модда) билан тасдиқланган Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш хамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банддаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 10-банднинг «д» кичик банди олтинчи хатбохисидаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига» деган сўзлар «Спорт вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўми-тасининг 2017 йил 9 октябрдаги 11-мҳ-сон қарори (рўйхат рақами 2939, 2017 йил 23 октябрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2017 й., 10/17/2939/0165-сон) билан тасдиқланган Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини юритиш ва ундан маълумотлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди иккинчи хатбохисидаги «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» деган сўзлар «Спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўми-тасининг 2017 йил 2 октябрдаги 10-мҳ-сон қарори (рўйхат рақами 2942, 2017 йил 27 октябрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.10.2017 й., 10/17/2942/0182-сон) билан тасдиқланган Спорт ҳакамлари ва уларнинг малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 1-банднинг иккинчи хатбохисидаги «Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шахар спортни ривожлантириш бош бошқармалари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шахар спорт бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 10-банддаги «Спортни ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар «Спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 12-банддаги «Қорақалпоғистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шахар спортни ривожлантириш бош бошқармалари» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шахар спорт бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) илова изоҳининг тўртинчи хатбохисидаги «Спортни ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар «Спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўми-тасининг 2017 йил 26 октябрдаги 13-мҳ-сон қарори (рўйхат рақами 2954, 2017 йил 7 декабрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.12.2017 й., 10/17/2954/0389-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 10-банднинг биринчи хатбохисидаги «Ўзбекистон Республикаси

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига (бундан буён матнда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлигига (бундан буён матнда Спорт вазирлиги деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 11, 12, 14 ва 16-бандлардаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 13-банддаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг» ва «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига» деган сўзлар тегишли равишда «Спорт вазирлигининг» ва «Спорт вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 15-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига» деган сўзлар «Спорт вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 17-банддаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг» деган сўзлар «Спорт вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 9 июлдаги 10-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3065, 2018 йил 5 сентябрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2018 й., 10/18/3065/1849-сон) билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман(шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўtkазиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандидаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 28 сентябрдаги 14-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3084, 2018 йил 31 октябрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.11.2018 й., 10/18/3084/2145-сон) билан тасдиқланган Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-банддаги «Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 4-банддаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Сурхондарё вилояти ёшлар сиёсати ва спорт бошқармаси» деган сўзлар «Спорт вазирлиги ҳамда Сурхондарё вилояти спорт бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 10-банддаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига» деган сўзлар «Спорт вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 24-банддаги «ёшлар сиёсати ва спорт бошқармаси» деган сўзлар «спорт бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 23 ноябрдаги 24-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3108, 2018 йил 28 декабрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.12.2018 й., 10/18/3108/2394-сон) билан тасдиқланган Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва

унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик юкламалари хажмининг изоҳ қисми бешинчи хатбошисидаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 28 декабрдаги 29-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3135, 2019 йил 4 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.02.2019 й., 10/19/3135/2571-сон) билан тасдиқланган Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомда:

а) 6-банднинг биринчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бошқармалари» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 21-банда:

биринчи хатбошидаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига» деган сўзлар «Спорт вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2019 йил 7 январдаги 2-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3137, 2019 йил 18 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.02.2019 й., 10/19/3137/2632-сон) билан тасдиқланган Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5-банддаги «Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 6-банддаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 1 августдаги 5-мҳ-сон «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидағи спорт таълим муассасаларини спорт жиҳозлари ва анжомлари билан жиҳозлаш меъёrlарини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғида (рўйхат рақами 3454, 2023 йил 25 август) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2023 й., 10/23/3454/0665-сон):

а) номи ва 1-бандидаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) иловада:

номидаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

изоҳлар қисмининг 2-бандидаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил

10 ноябрдаги 18-мҳ-сон «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги стипендиясини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғида (рўйхат раками 3479, 2023 йил 4 декабрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.12.2023 й., 10/23/3479/0921-сон):

а) номи ва 1-бандидаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) низомда:

номидаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

муқаддимадаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг» деган сўзлар «Спорт вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3-банндаги «Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси спорт вазири» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4-банндаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг» деган сўзлар «Спорт вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19-банднинг биринчи хатбоисидаги «Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

низомга иловада:

и洛ва белгисидаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

номидаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг» деган сўзлар «Спорт вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил 10 январдаги 1-сон «Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини юқтириб олган шахслар ишлаши ман этилган касбий фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруфи.

**2024 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3497.**

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 26 январдаги 42/16-сон «Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг қарз юкини тартиби солиш тўғрисидаги низомга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2024 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3205-3.**

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил 5 февралдаги 4-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари беришда шифокорларнинг мутахассислик бўйича иш стажини ҳисоблаб чиқаришда ўзаро ҳисобга олинадиган турдош мутахассислар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруфи.

**2024 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3498.**

4. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил 5 февралдаги 5-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартериш ва қўшимчаларни ўз кучини ўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруфи.

**2024 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-9.**

5. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2024 йил 20 февралдаги 2-мҳ-сон «Давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлигининг айrim идоравий норматив-хукуқий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруфи.

**2024 йил 23 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3499.**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 18 декабрдаги 21-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2649, 2015 йил 19 январь), шунингдек унга ўзгартериш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2649-1, 2017 йил 16 ноябрь), (рўйхат рақами 2649-2, 2017 йил 27 декабрь), (рўйхат рақами 2649-3, 2019 йил 13 ноябрь), (рўйхат рақами 2649-4, 2020 йил 31 декабрь), (рўйхат рақами 2649-5, 2021 йил 29 сентябрь), (рўйхат рақами 2649-6, 2021 йил 11 октябрь), (рўйхат рақами 2649-7, 2022 йил 18 май), (рўйхат рақами 2649-8, 2023 йил 21 август).

**2024 йил 22 февралда давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартериш киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**